

ДИЗАРТРИЯЛИ БОЛАЛАР УМУМИЙ ИХТИЁРИЙ МОТОРИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маматова Музайяна Ботировна

Низомий номидаги ТДПУ, Логопедия кафедраси ўқитувчи

Аннотация

Ушбу мақола мазмуни дизартрияли болалар умумий ихтиёрий моторикасининг ривожланишини ўзига хос хусусиятлари адабиётлар тахлили асосида ва ўтказилган тадқиқотимиз натижаларига таянган ҳолда ёритиб берилди.

Калит сўзлар: мотор бузилиши, нутқ нуқсони, ихтиёрий моторика, мувозанат сақлаш, кинетик-кинестетик праксис, умумий моторика

Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни мактабгача таълим, мактаб таълими ва касб-хунар таълими билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда инклюзив таълимга жалб этиш UNICEF ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса мактабгача ёшдаги нутқ нуқсони бўлган болаларнинг UNICEF томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар¹ асосида замонавий таълим олишини кафолатлайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болаларнинг салмоқли қисмини нутқ нуқсонига эга бўлган болалар ташкил этади. Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг барчасида у ёки бу даражадаги кинетик-кинестетик праксисни ривожланмаганлиги аниқланади.

Ҳаракат - инсоннинг туғма эҳтиёжларидан биридир. Бу эҳтиёжнинг қондирилиши болаликда жуда муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёш боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг қулай шароит яратади. “Сензетив давр”- деб аталадиган бу даврда психиканинг барча асосий томонлари- тафаккур, хотира, диққат, моторика шаклланади. Шунингдек, бу даврда интеллект ва унинг ижтимоий таркибий қисми бўлган-нутқ ҳам фаол ривожланади.

М. Д. Маханева таъкидлаганидек, ҳаракат соҳасининг ҳолати ва ривожланиши у ёки бу ҳаракатларни муайян мотор актларини, мотор фаолиятини ўзлаштиришдаги имкониятлар инсон ҳаётидагига кўп нарсаларга: ҳаёт учун зарур ҳаракат усулларидан (тоққа чиқиш, юриш, югуриш ва ҳоказо.) мактабгача ёшдаги элементар ўз-ўзига хизмат кўрсатишни, мактабгача ёшида ўқув-меҳнат фаолиятини ўзлаштириш ва ниҳоят, бўлғуси касби учун талаб қилинадиган координациялашган ҳаракатларни шакллантирилиши ва ривожлантирилишига боғлиқ.

¹http://www.un.org/esa/socdev/unyin/documents/children_disability_rights.pdf, 7-24 p.

Туғма ҳаракатлар нафақат оддий ҳаракатлар, балки, юриш, сузиш каби баъзи мураккаб ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: ҳаётининг биринчи ҳафталаарида чақалоқ-юриш ҳаракатларини, қорни билан сувга ётқизилганда-сузиш ҳаракатларини амалга оширади. Уч ойликка келганида юриш ва сузиш ҳаракатлари йўқолади, каттароқ ёшда эса ўрганилган ҳаракатлар сифатида пайдо бўлиши мумкин. Бу фактлар турли хил мураккабликдаги ҳаракатларни бола аста-секинлик билан ўрганиш асосида эгалланади. Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда кенг тарқалган ҳаракат бузилишлари сифатида қуйидаги камчиликларни кўрсатиш мумкин: ҳаракат сифатларини ривожланишини ортда қолиши; асосий гуруҳ мускулларининг (қўл, оёқ, бел, қорин) яхши ривожланмаганлиги; ҳаракат тезлигини паст даражаси: қўл, оёқ ҳаракатлари частотасининг пастлиги, тезликнинг пастлиги;

жуда катта тезликда, жуда паст тезликда бажариладиган ишларни такрорлашга чидамлиликни ривожланмаганлиги, статик босимларга турли гуруҳ мускулларининг (оёқ, қўл, қорин, бел) чидамсизлиги; тезлик ва кучлилик сифатларининг ривожланмаганлиги; югуриш, сакраш, улоқтириш, спорт ўйинларидаги кўрсаткичларнинг пастлиги; мускулларнинг эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлигини қониқарли даража-да ривожланаганлиги; координацион қобилиятларнинг ривожланмаганлиги; ҳаракат коорди-нацияларининг етишмовчилиги; фазодаги ҳаракатлар аниқлигини бузилиши; мускуллар босимини фарқ-лаш даражасининг пастлиги; ҳаракатлар темпи ва ритмининг бузилиши; фазода мўлжал олишнинг бузилиши; вақт ва маконда мўлжал олишнинг бузилиши; мувозанат реакцияларини паст даражада ривожланганлиги; мувозанат сақлашни бузилиши ва ҳақозо.

Ҳар қандай мотор бузилишларни ўрганиш энг аввало умумий моторикани ўрганишдан бошланади. Чунки, мотор бузилишларининг ҳар қандай даражаси умумий моторикада ўз аксини топади. Шу боис, биз ҳам текширишни умумий ихтиёрий моторикани текширишдан бошладик. Умумий ихтиёрий моторикани текширишда 5 та турли хил даражадаги топшириқлар берилди. Тадқиқот натижаларини 1- жадвалда ифодаладик.

1-жадвал Умумий ихтиёрий моториканинг ривожланганлик ҳолатини ўрганиш натижалари

| № | Берилган топшириқлар | Иштирокчилар сони (%) | Топшириқларни баҳолаш мезонлари (балларда) | | | |
|---|---|-----------------------|--|--------|--------|--------|
| | | | 3 балл | 2 балл | 1 балл | 0 балл |
| 1 | Бир оёқда туриш: чап, ўнг. | 100 та (100%) | - | 46% | 35% | 19% |
| 2 | Икки оёқда ҳаракатланиб сакраш | 100 та (100%) | - | 42% | 31% | 27% |
| 3 | Коптоқни улоқтириш ва илиб олиш | 100 та (100%) | - | 43% | 25% | 32% |
| 4 | Турган жойида юриш | 100 та (100%) | 12% | 54% | 34% | - |
| 5 | Нарвон зиналаридан кўтарилиш ва тушиш | 100 та (100%) | - | 37% | 29% | 34% |
| | Топшириқларнинг бажарилишини ўртача қиймати | 100 та (100%) | 3 % | 43% | 32% | 22% |

1-жадвалда умумий ихтиёрий моториканинг ривожланганлик ҳолатини ўрганиш натижалари ифодаланган бўлиб, бир оёқда туриш (чап,ўнг)-топшириғини иштирокчиларнинг ҳеч бири тўлиқ, тўғри бажара олмади, 46% болалар топширикни секин темпда, етарлича аниқ бўлмаса-да, мувозанатни сақлашга қийналиб, қўлларини ён томонларга чўзиб талабларга яқинроқ бажардилар; 35% болалар эса, топширикни бажаришда мувозанатни ёмон сақладилар, бир оёқда турганда, оёғини тез тушириб, таянч изладилар, гавдани бир томонга қараб оғиб кетиши, қўлларини ерга тираб олиш ҳоллари кузатилди; 19% болалар топширикни бажара олмадилар, - деб ҳисобланди, чунки, бу болаларда бир оёқда жуда қисқа вақт турган бўлса-да, оёқларида қалтираш, тезда оёғини тушириб олиш, мувозанат сақлаш учун таянч излаш, гавдасини тик тута олмасдан қалқиб кетиш ҳоллари кузатилди. Бу эса текшириш талабларига жавоб бермайди.

Болалар топшириқларни бажаришда тез чарчашди, ортиқча номутаносиб ҳаракатлар қилишди, мувозанат сақлай олишмади.

Икки оёқда ҳаракатланиб сакраш топшириғини ҳам тўлиқ ва тўғри бажара олган болалар кузатилмади, аммо, топширикни секин ва тўғри бажарган болалар 42% ни ташкил этди. Бу болалар сакрашга бир неча марта тараддудланиб, секин-секин одинга ҳаракатланиб сакрадилар, сакрашга тараддудланиш вақтида мувозанат сақлашга қийналишлари, гавдаларини бир томонга оғиб кетиш ҳоллари кузатилди; 31% болалар томонидан, топшириқлар етарлича аниқ бажарилмади, бола мувозанат сақлаш учун қўлларини ён томонга чўзди, сакрашда мўлжал олишга қийналди, мувозанат сақлаш учун ерга қўлларини тираш ҳоллари кузатилди, белгиланган маррагача қийинчилик билан етиб боридилар. 27% болалар эса, топширикни бажаришда мувозанатни ёмон сақладилар, олдинга қараб сакрагандан кейин, яна сакраш вақтида қўлларини узок чўзиб туриб, бир неча марта шайланиб, кейин сакрашга ҳаракат қилдилар, лекин буни уддасидан чиқа олмадилар.

Улар бир марта олдинга қийинчилик билан сакраганларидан кейин ўтириб олишди ёки сакрашда ариқдан ҳатлагандек, топшириқ талабига мос бўлмаган ҳолада бир оёқда галма-гал сакрадилар, аммо бунда ҳам мувозанат сақлай олмаслик, қўлларини кенг ёйиб, айланма ҳаракатлар қилиш, мувозанатни ушлаб қолишга ҳаракат қилиш ҳоллари кузатилди. Шунингдек, умуман йиқилишдан қўрқиб, сакрай олмаган болалар ҳам кузатилди.

Коптокни улоқтириш ва илиб олиш топшириғи болаларга қизиқарли бўлиши билан бир қаторда мураккаблик ҳам қилди. Бу топширикни тўғри, аниқ бажара олган болалар кузатилмади, болаларнинг аксариятида коптокни улоқтириш у даражада муаммо туғдирмаган бўлса-да, уни илиб олиш анча мураккаб вазифа эканлиги намоён бўлди. Болаларнинг ҳаракатлари кўпол, номутаносиб. Бу топширикни секин ва тўғри бажарган болалар 43% ни ташкил этди; 25% болалар томонидан, топшириқларни аниқ бажара

олмадилар, коптокни жуда паст баландликда улоқтирдилар, коптокни илиб олишда қийналдилар, илиб олинган коптокни узоқ ушлаб тура олишмади, копток қўлларидан тезда тушиб кетди, 32% болалар эса, топшириқни бажара олмадилар, улар мувозанатни ёмон сақладилар, коптокни жуда паст баландликка улоқтирадилар, коптокни илиб ололмадилар, копток бармоқларига тегиши билан тушиб кетди, коптокни тутиб олиш учун у ён, бу ёнга қараб чайқалиб туриш, ортикча тарқоқ, мақсадсиз ҳаракат ҳолатлари кузатилди; буйруқ бўйича тўхтатилганда мувозанат сақлай олмадилар. Топшириқларни бажарилишида болалар мускуллари фаолиятининг бўшлиги, қўлларни қалтираши кузатилди. Бундан кўриниб турибдики, бу болаларнинг каттагина қисмида майда қўл моториалари яхши ривожланмаган, бармоқларни ихтиёрий ҳаракатлари ва гавдани мутаносиб равишда бошқариш бузилган. Бу эса, бу тоифа болаларда ихтиёрий умумий моторика ва қўлларнинг кинетик-кинестетик праксисни тўлақонли ривожланмаганлигидан далолат беради.

Турган жойида юриш- топшириғини анча осон бўлганлиги боис, болалар топшириғини анча яхши бажара олдилар. 12% болалар топшириқни тўғри бажарди, 54% болалар эса, топшириқни бажаришда мувозанат сақлашга қийналдилар. 34% болалар топшириқни бажаришда хатоликларга йўл қўйдилар, мувозанат сақлашга қийналиб, гавдани бир томонга оғиб кетиши ҳоллари кузатилганда, қўлларини ёнга чўзиб мувозанат ушлаган ҳолда олдига қараб юриб, яна бир жойда юришни давом эттирдилар. Топшириқни бажара олмаган, қўпол хатолар қилган болалар кузатилмади.

Нарвон зиналаридан кўтарилиш ва тушиш топшириғи-болалар топшириқни бажаришга катта қизиқиш билан киришган бўлса-да, тўғри ва аниқ бажараган болалар кузатилмади. 37% болалар топшириқни тўғри, аммо секин бажардилар, 29% болалар топширини етарли даражада тўғри бажара олмадилар улар нарвондан тушиш ва чиқиш вақтида кўпгина мақсадсиз, тарқоқ ҳаракатлар қилдилар.

Болаларда йиқилишдан кўрқиб, нарвонга чиқиш ва тушиш вақтида, оёқ ва қўлларини кейинги зинага эмас, балки битта олдинги ёки кейинги зинага қуйиб мувозанат сақлашга қийналдилар, қўлларини қўйиб юбориш ҳолатлари кузатилиб, зинага кўтарилиш ёки тушишда қўлларини қалтираши, нарвонни маҳкам ушлаб олиш, ўз кучига ишонмаслик ҳолатлари кузатилди. 34 % болалар эса, нарвон зинасидан озроқ юқорига катта қийинчиликлар билан кўтарилдилар, аммо ўзлари мустақил туша олмадилар. Уларда чарчаш, тушиш учун орқтикча мақсадсиз ҳаракатлар қилиш, қўлларини бир вақтда қуйиб юбориш, нарвонга бир қўлда осилиб қолиш ҳоллари кузатилди.

Бу ҳолатлар топшириқни бажарилмаганлиги сифатида қайд этилди. Шунингдек, болалар ҳаракатларини кўполлиги, тез чарчаш, жисмоний босимлар ортиши билан мукуллар фаоллиги сусайиб, мушакларда треморлар кузатилди.

Умумий моторикани ривожланиш ҳолатини текшириш бўйича топшириқларни бажарилишини қайд этиб бўлгандан кейин, болаларнинг умумий моторикани текшириш бўйича топшириқларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқдик. Шунга кўра теширилувчи болаларнинг ўртача 3% топшириқларни тўғри бажаришди, 43% текширилувчилар топшириқларни секин, ноаниқ бажаришди. Уларнинг ҳаракатлар кўпол, қовушиқсиз бўлиб, фазода мўлжал олишда, берилган ҳаракатларга тақлид қилишда қийналишди. Коптоқларни улоқтириш ва илиб олишда жуда қийналишади.

Мушаклар фаолиятининг чекланганлиги, тремолар, персервациялар кузатилди. 32% болаларда ҳаракатлар вақтида ёмон мувозанат сақлаш, сакраш, бир чизикда юриш, нарвондан кўтарилиш топшириқларини бажарилишида ҳаракатларнинг кўполлиги, болалар ҳаракат вақтида таянч излаши, мушакларнинг бўшлиги, кўшимча мақсадсиз ҳаракатлар, треморлар кузатилди. Шунингдек, бу болалар топшириқларни бажариш учун кўп вақт сарфлашди. Уларда топшириқларни бажара олишларига иончсизлик кўп кузатилди. 22% болалар эса, топшириқларни бажара олишмади. Бу болалар топшириқларни бажаришга киришса-да, биринчи мувоффақиятсизликлардан кейин тезда топшириқларни бажаришдан бош тортишди.

Биз томондан умумий моторикани ривожланганлик ҳолатини текшириш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижалари нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг умумий моторика хусусиятларини ривожланишини ўрганган олимлар Л.В. Лопатина, Е.М. Мастюкова, Н. Н. Трауготт, Е. Ф. Архипова, М.М.Кольцоваларнинг энгил дизартрияли болаларда умумий моторикани ривожланганлиги ҳақидаги фикрлари бўйича ўз тасдиғини топди.Тадқиқотимиз натижаларини таҳлил қилиш асосида дизартрияли болаларда ҳаракат сифатларини ривожланишини ортда қолиши, асосий гуруҳ мускулларининг (кўл, оёқ, бел, қорин) яхши ривожланмаганлиги, ҳаракат тезлигини паст даражаси, кўл, оёқ ҳаракатлари частотасининг пастлиги, тезликнинг пастлиги, мувозанат реакцияларини паст даражада ривожланганлиги, мувозанат сақлашни бузилишлари улар учун ўзига хосликни ташкил этади деган хулоса келдик.

Адабиётлар рўйхати

1. Аксенова, М. Д. Развитие тонких движений пальцев рук у детей с нарушением речи. / М. Д. Аксенова // Дошкольное воспитание. – 1990. – № 8. – С. 62 –65.
2. Архипова Е.Ф. «Стертая дизартрия у детей» Учебное пособие для студентов вузов, Москва-2006г.
3. Винтаева Татьяна Николаевна Диссер. Коррекция мелкой моторики в связи с развитием сенсомоторного компонента речи у первоклассников с нарушениями интеллекта. Москва – 2002.
4. Кольцова, М. М. «Двигательная активность и развитие функций мозга ребенка», М.,1993
5. Монделарес Б. Ж. Вербальная диспраксия у детей//Расстройства речи. Клиничесике проявления и методы корреции: Материалы конференции «Современные проблемы логопатологии», -СПб, 1999г.